







МАЪНАВИЯТ БЕБАХОДИР

«Халқ сўзи» газетаси ўз исмига манавд бўлиб, эл орасида катта нуфуз ортаётди. Шу сабабдан бу йил ҳам шу газетани обуна бўлиш...

Президентимиз фармонлари ва давлат қонунлари қирқиб, китобча қилиш мумкин бўлган шаклда чоп этилган. Хозирда газетани «Эшитмадим деманглар» руқий остида қисқа хабарлар берилиши ҳам яхши натижа бўлади...

БАЙРАМ КУНИ

ГАЗЕТАГА ЁЗИЛИШДИ

Бухоро вилояти гушт қосибнати жамоаси ҳам Комитетнинг бир йиллигини зўр тантаналар билан кутиб олди. Корхонанинг олдидаги майдонда катта ёрмарка ташкил этилиб...

Халқ сўзи — ҳақ сўз

МАКТАБГА МИРШАБ НОМИ ҚЎЙЛДИ

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги қарори билан Чирчи туманидаги солиқ Б. Терешкова номи ўрта мактабга хизмат вазифини бажариб, бевақт ҳаётдан кўз юмган миллиони майори Иброҳим Қиличевнинг номи қўйилган эди...

ДОМЛАРДА ИТ САҚЛАШГА БАРҲАМ

БЕРИШ ЛОЗИМ

«Халқ сўзи» газетасида таълиқ алаббешунос олими Беғали Қосимовнинг «Одоб ҳақида ўйлар» номли мақоласини ўқиб, ўз фикрини сизларга ёзиб юбордим. Ҳозир бечора қизча шифохонада ётибди. Бундай мисолларни истасанга келтириш мумкин...

КОПТОК БЎЛГАН ЖИНОЙ ИШ


Мен нафақадар, қаровсиз қолган ҳар одамман. Ёлғиз ўзим истиқомат қиламан. Қасаллик кўржиклиб, 1991 йил 6 ноябрдан 1993 йилнинг февралигача, узоқ муддат шифохонада ётиб даволандим. Қаровсиз қолганимдан фойдаланган қасоблар тўқсон иккинчи йилнинг баҳорида уйимга икки бор ўғирликни қилганлар. Биринчи қирғиналарда иккита радиоприёмник ва чўнтак соатини, иккинчи гал эса иккита велосипеднинг умумий қиммати билан қўлга келтирилган. Бу жиноий ишлар очилган...

ИШГА КЕЛИНГ

«Халқ сўзи» газетасига малакали корректорлар керак. Мурожаат учун телефонлар: 33-52-55, 33-10-28.

ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ САРВАРИ

БУГУН ҒИЖДУВОНДА ШАРҚ ОЛАМИНИНГ ИРИК МУТАФАККИРИ ХУЖА АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 890 ЙИЛЛИК ТУЙИ НИШОНЛАНДИ. ЮБИЛЕЙГА ДУНЕ МАМЛАКАТЛАРИДАН МЕҲМОНЛАР ТАШРИФ БУЮРДИЛАР. УЛАР ХАЛҚАРО ИЛМИЙ АНЖУМАН, ХАЛҚ ТОМОШАЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР, ЁЗУВЧИ, ШОИР ВА ЗИЕЛИЛАР БИЛАН ИЖОДИЙ МУЛОҚОТЛАРДА ИШТИРОК ЭТАДИЛАР.



СУРАТДА: Абдухолиқ Ғиждувонийнинг мақбара ва масжиди кўриниши.

самов анқридан ниҳоқ, низо, ажралиш, хайрбод ҳосили унади. Вақолани, сўғий анқрининг асл моҳияти-муддоси қарам-қаршилиқ, яқаланиш ва бўлиниш эмас, аминча, муроёо маддору, ваҳдат — бирлишидир. Шунинг учун ё зикри самони тарқ этгилким, то гурурдан поклангиласан. Ени ўз ҳаётини дилинг билан видолашаввер» Хўжа Абдухолиқ Ғиждувонийнинг бу сабоғи тасавуф тарихидаги талафотлардан чиқарилган оқилона ҳулосадир. Бу фикрга машҳур Мансур Ҳаложининг фожие қисмати даъил бўла олади. Маълумки, Мансур Ҳалож «Анал ҳақ» (Мен — ҳулуман) дея баралла марғурлангани учун доғга осланган эди. Алишер Навоий Мансур Ҳалож ҳаётини ноҳақликка, устоди Абу Амр бини Усмон Макий таъқид илмида ўзига ҳос янғича маъно кашф этган бўлади. У маъно ниҳоятда ноҳақ ва сўян яширин экан. Мансур уни яширишга олиб ошқор этди. Маъно бениҳоя ноҳақлигидан, эл уни тушунмади, инқор этди ва Мансурни мажмур этди. Устози уни қаради, Қарғишн тугибу, у доғга осилди. Аслида, унинг «Мен — ҳақман» деганида «Мен — ҳақ билан бирга» деган ноҳақ маъно мўжассам эди. Аммо, бу назоқатни зикри самов сақлабмас эди. Шунинг учун Хўжа Али Рометанин: «Агар ер юзида Хўжа Абдухолиқ фарзандларидан бири бўлса эрди, Мансур ҳарғиз доғ остига бермагил эрди», дея ҳуфя зикрининг афзаллигига имон келтиради.

Хўжа зикр ҳамда Хўжа насоби Абдухолиқ Ғиждувонийга пайғамбар Хўяр алайҳиссаломдан меросдир. Насобшунлиқда «Хўжа» нисбаси қишқинг насл-насаби пайғамбар авлодига бориб тақаллишни билдиради. Ҳаррат Навоий нақл қилишларича: «Аларга кўнгил зикри сабақи йиғилтиқда Хўжайн Хўзридан бўлбурту ва ул сабаққа мувозабат кўргузбуртулар ва Хўжа алардин фарзандин қабул қилбуртулар ва буюрбуртуларни, хослуғ сувега кириб, ғўсу ул ва кўнгилуғда «Оллоҳқа иллаллоҳу Мўхаммаду расулulloҳ» дегил, Алар Хўжа буюрбуртоқ қилбуртулар ва ишга машғул бўлбуртулар ва кўндоқ топибуртулар ва аввалдин охирача алардинг рўзори барча халқ қосида мақбул ва маҳмуд эканлар». Аён бўладики, Абдухолиқ Ғиждувоний йиғилтиқда Хўяр алайҳиссаломга йўлиқди. Хўяр алайҳиссалом ул зотин фарзандлиққа қабул қиладилар. Кўнгил зикридан таълим берилди.

Энди шунин ҳам аниқлаштириб ўтмоқ лозимки, зикринг моҳиятинг нимаю кўнгил зикрининг хосияти қандай? Зикринг тасавуф аҳли мамонлар сайри жараянида фикрий-руҳий қувватини, тафаккур малакасини шакллантиришинг энг яхши йўли деб билганлар. Зикринг моҳияти тағрир-тоалонинг номини тилга келтиришдир. Тасавуфдаги бу ҳол Кўрғуннинг «фазоқаруни азаркуму» («Мени ёд этинглар, токи мен сизларни ёд этай») оятиндан оқилланган. Зикр сўғийга шундай имконият берганки, у камолди мушоадага берилган. Зикр ҳолатида сўғий бутун рўҳий қобилиятини Оллоҳнинг номини зикр этишга сафарбар этган, унга диққатин шу қадар ички шараф пайдо қилганини, қолган ҳамма нарсани, ҳаттоки, шариат фарзларини ҳам унутуш даражасига етган. Баъзи сўғийлар худонинг номини сийдиқилдан зикр этишни ибодат ва беш вақт намоздан афзал деб ҳисоблаганлар.

Хўжа Абдухолиқ Ғиждувонийнинг кўнгил зикри жуда катта тарбиявий, маърифий, инсонпарварлик моҳиятига эга. Аввало, у сўғийни хўжақаринига, намойишкорона тақводорлиқдан сақлайди. Кўнгил зикри ҳам тавво, аммо ривис тавводир. Унда ривға йўл йўқ. Иккинчидан, ҳуфя зикр энг самимий ва олиғ муҳаббат кўнгилда камол топишдан маърифатлантиради. Учинчидан, зикри ҳаёвий инсон кўнгилни энг муътабар самждоқ даражасида илоҳийлаштиради. Чунки кўнгил зикринга мойил ҳар бир инсон қалбига Оллоҳ яшайди. Бундай солиқ кўнгил худонинг уйдек мурдадас саналади. Адаббетида ана шу асосда кўнгил қуйлганлар.

Кимки бир кўнгил бузуғунинг хотирини шод айлағай. Очча борким, Қабза вайрон бўлса, обод айлағай. Алишер Навоий мазкур байтда, ҳар бир кўнгил Оллоҳнинг ошёнидигар, деган ақидадан келиб чиқиб, ким-да-кимки бир шикаста кўнгилни шод этса, у мабодо Қабза бўлибган бўлса, Қабзани қайта қургандек савоб иш қилган бўлади, деган инсонпарвар фикрини ифодалайди. Тавофи олганид қил жўнақча ҳар башардин сен. Агар бир дилим сен бусанг, юзар Қабза бузулмаму?!

Бобораҳим Машираб эса инсон дилини Оллоҳнинг уйи қадар табиқур зинаратоқдек ёзволлаб тавоф этишга қорлайди. Бирор инсон дилини орғитиш юзлаб Қабзани вайрон этишдек гуноҳи азим эканлигидан огоҳлантиради. Хўяр алайҳиссаломдан кўнгил зикри сабоғини олганидан сўнг, Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний Бухорога йўл олади. Уша маҳалда Хўжа Юсуф Ҳамдоний ҳаратлари Бухорода бўладилар. Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний уларнинг сўхбатларига етганида, маълум бўладики, уларда ҳам кўнгил зикри бор экан. Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний Юсуф Ҳамдонийдан таълим ола бошлади. Юсуф Ҳамдонийнинг сўхбатдошлари орасида тўрт излош шоғирди бор эди: Хўжа Абдулло Барқий, Хўжа Ҳасан Андоқий, Хўжа Аҳмад Ясавий, Хўжа Абдулоҳиқ Ғиждувоний. Хўжа Юсуфдан сўнгра бу тўрт кишидан ҳар бири пир ва муридидин макони...

да турдилар. Муридлар уларнинг хизматларида одоб билан мулозим бўлдилар. Хўжа Аҳмад Ясавий Туркистон сари кетганидан кейин барча сулоқ аҳли Хўжа Абдухолиқ раҳнамолигиде қолдилар. Ул зотнинг авлиқни хислатлари кўп эди. Шомда у кишига кўп муридлар пайдо бўлди, хонақоҳ ва остона вужудга келди.

Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний улуг фалсафий таълимот нақибандийнинг асосчиси Баҳовуддин Нақшбанднинг пир ва устозидир. Бу икки йирик доғишанди оралиғида икки асрлик замон масофаси етса-да, Навоий таъбирича, Баҳовуддин Нақшбанд Хўжа Абдухолиқ Ғиждувонийнинг увайсий шоғирдидир. Баҳовуддин Нақшбанд Абдухолиқ Ғиждувонийни тўла-ўтис бажардилар ва нақибандий таълимоти равақат топиб, янги боғичга кўтарилди. Нақшбандий таълимотидаги руқий ёзуқ рашқларнинг ўн бирдан санкистаси Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний тафаккур маҳсулидир. Али Сафийнинг «Рашидоқ айнул ҳаёт» («Обиҳаёт томчилари») асаридан ўрин олган бу нақралар қуйидагиларди: 1. «Хўш дар дам», 2. «Назар бар қадам», 3. «Сафар дар ватан», 4. «Хилват дар анжуман», 5. «Елқард», 6. «Возгашт», 7. «Нигўдошт», 8. «Елдошт». Нақшбандий таълимоти-нинг умумий шюри бўлиши «Дил ба ёру даст ба қор» ҳам, манокларда келтирилшича, Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний ижодига мансубдир. Ҳозир ушбу руқиларни муфассал таҳлил этиш мавриди эмас. Фақат шундай муаммага аниқлик киритиб ўтиш зарурики, баъзи олимлар айрим манбаларга таянган ҳолда, таълимот шюрини «Даст ба қору дил ба ёр» шаклида тескери қўлмақдалар. Мантиқ ва моҳият нуқтаи назаридан манбаларга ҳам тақийди ёндашган маъқул. Назаримизда, «Дил ба ёр» бирламчи. Чунки кўнгилга Оллоҳ муҳаббатини муҳрламай туриб, ҳар қандай ишга қўл уриш яхши натижа бериши қийин. Дилга Тангри меҳрини жойлаб қилинган ш ривожли, хайр-баракатли бўлади.

Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний омгани хилватнишиш-лиққа қорламаган, умри мазмунсиз ва фаолиятсиз кечирнша тартиб этмаган. Аксинча, у инсониятинг мазмунсиз, маслаксиз ҳаётдан қайтарнша бел боғлаган. Пирни қонил киши ҳаётан Тангри билан бирга — ботиний хилватда бўлса ҳам, жамиятдан ажралмаслиги, ҳаминча инсонлар ичра — зоҳирий хилватда бўлиши лозимлигини уқитган. «Хилват дар анжуман» руқининг моҳияти шундай. Алишер Навоий уни «Хилватда бўл — анжуман ичра бўл» дея талқин этган. XIX аср Хоразм адабий муҳитининг йирик намояндаси Шермухаммад Мунис бу ақидани қуйидагича қўллаб-қувватлайди: «Хилват қил анжуман ароким, шарт эмасдур. Уқитурининг қиреда тугуб гўша чил-чил.

Англашладикки, ҳам бирла руҳий бирлик ҳосил қилиш учун жамолдан четта чиқиб, бир бурчақда руҳан чил-чил саниб лшамолқил шарт эмас экан. Анжуман аро хилватда бўлиш оқилонадир. Ғиждувоний «Сафар дар ватан» руқинини ишлаб чиқиб, Ҳақ йўлидаги сафарбарлиқни ҳам айрича ҳал этди. Ватан ичра мусофир бўлиш, яъни ўз юртинг тарқ этмаслик, аксинча, уни ардоқлаш, обод қилиш; ўз ватанида турноқ, дунё ва ҳақиқатни идрок этиш Муниснинг ҳам семимли ақидасига айланди. У бундан ўз ижодида дастури сифатида фойдаланди.

«Талабда ҳар сори бўлмоқ мусофир эрмас шарт» Солик эсанг, ватан киши қил, сафар мудоғ, Бехуда кезма шаҳр-башаҳ, тарм сафар туг. Бу сатрлар Мунис ижодиётидаги ватанпарварлик гоғларининг теран томиларини кўрсатиб турниди.

Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний таълимоти жаҳоний шўҳрат қозонншига сабаб унинг умумбашарий моҳият наёб этганидидир. Ғиждувоний тариқати солиқни жамиятдан тамоман ажралди қолмасдан, зухду тақвога буткул берилмасдан, таванкул ихтиёр этиб, халқ билан бирга бўлиш ва ўз кучи билан ҳалол меҳнат қилишга даъват этарди. Ушбу таълимот талаби шундай эдики, солиқ меҳнат жараянида, суҳбат ва сафарда зоҳиран халқ билра, ботинан ҳақ билра бўлиб, ўз таркичилиги таълимотиини бошқалардан тиламай, ўз меҳнати билан қўлга киритсин. У энг ҳалол ва ҳуффикр маслак эди. Унинг шартларига шох ҳам, даревш ҳам ривоя этиш имконига эга бўлган. Бу таълимот ўз моҳиятида дунёвийлик билан илоҳийликни мувофиқлаштириш олган. Мазкур маслакдаги кишилар тририкчилик ташвишлари, санъату ҳўнар машғулотли, дунё неъмату меҳнатларидан қўл узатган ҳолда Оллоҳ билан дўстланиш бахтига мўяссар бўлганлар. Хўжагон ва Нақшбандий таълимоти шу жиҳатлари билан халқни яқин тарзда шаклланган, элнинг барча тоифаю табакалари орасида кең ёйилган. Бу маслакни қабул қилган машҳур подшоҳлар: Амир Темур, Шохруҳ Мирзо, Мирзо Улўғбек, Хўсайн Бойқаро, Заҳириддин Мўхаммад Бобурларнинг сурати шоху сийрати даревш, Хўжа Аҳроп Вали, Абдураҳмон Жомий, Навоий каби мутафаккирларнинг сийрати иноҳу сурати даревш бўлган. Хўжайн жаҳон таълимотиининг ана шу фозиллари ва фазилатлари унинг нуфузини асрлар мобайнида жамиятда сақлаб келмоқда.

Нусратулло Жўзахўжа ҒИЖДУВОНИЙ.

Халқ сўзи. НАРОДНОЕ СЛОВО. ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64608. Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВЕВ. ТАХРИР ҲАЯЪАТИ: Абдулаби ВОЯҚУЗИЕВ, Эсирпан ВОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИ ДОВ, Миралма МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қўлаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯХЕВ, Пирмиқул ҚОДИРОВ, Мўхаммадшоҳ ҚОРАБОВЕВ, Салдарор ҚУЛОМОВ. МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи А. Нўлдошев, М. Холмағожа. муҳаррир — навбатчи.